

**“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг  
2021 йилнинг 3 чорак даври ҳисоботи**

Тафтиш комиссияси раиси У.Т. Тураев ҳамда аъзолари Н.Д. Сагдуллаева ва Х.Б. Назаровлар томонидан 2021 йилнинг 3-чорак даврининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва конун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2021 йил 1 октябр ҳолатига ходимлар сони 742 кишини ташкил этган. 2020 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 21 кишига камайган.

2021 йил 1 октябр ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 3 252 340 сўмни ташкил этган. 2020 йил 1 октябр ҳолатига нисбатан 911 865 сўмга ошган.

2021 йил 3 чорак даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб **13 856 227 минг сўмга тенг**. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – **12 977 195 минг сўмни**,
- Бошқа даромадлар – **879 032 минг сўмни** ташкил этган.

Жамиятнинг 2021 йил 3 чорак даври мобайнида жами бўлиб харажатлари **13 798 441 минг сўмни** ташкил этган.

Шулардан,

- Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи **11 944 871 минг сўмни**;
- Давр харажатлар жами бўлиб **1 853 570 минг сўмни** ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – 866 248 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 987 322 минг сўмга тенг.

2021 йил 3 чорак ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда **57 786 минг сўмни** ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса **49 118 минг сўмни** ташкил этади.

2021 йил 1 июл ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 15 700 715 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 383 994 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 316 721 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 1 октябр ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 16 117 198 минг сўмни, эскириш қиймати 9 549 031 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 568 167 минг сўмни ташкил этган.

2021 йил 1 июл ҳолатига дебитор қарздорлик 7 265 161 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 2 345 439 минг сўмга камайиб 1 октябр ҳолатига 4 919 722 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

Аналитик расшифровка илова қилинади:

Кўрсаткичлар номи	2021 йил 1 июл ҳолатига		2021 йил 1 октябр ҳолатига	
	минг сўм	%да	минг сўм	%да
<b>Дебиторлар, жами:</b>	<b>7 265 161</b>	<b>100</b>	<b>4 919 722</b>	<b>100</b>
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900нинг айирмаси)	1 417 749	19,51	1 408 837	28,65

Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	4 708 077	64,80	2 118 624	43,06
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	4 213	0,06	14 608	0,30
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	1 003 456	13,81	1 193 381	24,26
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	127 155	1,75	179 705	3,65
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	4 291	0,06	2 751	0,06
Бошқа дебитор қарздорликлар (4800)	220	0,01	1 816	0,04

2021 йил 1 июл ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 14 700 112 минг сўмни ташкил этган бўлса 2021 йил 1 октябр ҳолатига эса 488 920 минг сўмга кўпайиб 14 211 192 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Аффилиланган шахслар билан тузилган шартномалар жамиятнинг 2021 йил 3 чорак даври ҳолати ўрганилганда шу муддат ичида жами бўлиб 1 та аффилиланган шахс билан шартнома тузилгани маълум бўлди. Шунингдек, аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган.

**“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ**  
тафтиш комиссияси раиси

Тафтиш комиссияси аъзолари

  
У.Т. Тураев

  
Н.Д. Сагдуллаева

  
Х.Б. Назаров